100598




# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1998 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 24 апрел, № 17 (3453) ●


*Чингиз АЙТМАТОВ:*

## МАЪНАВИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ

***Мамлакатимизда Қирғизистон маданияти кунлари ўтказилиши муносабати билан диёримизга ташриф буюрган қирғизистонлик дўстларимиз орасида машҳур адиб, Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг президенти Чингиз оға Айтматов ҳам бор эди. Ҳафта давомида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида, Байналмилал миллий марказлар саройида ва бошқа бир қатор жойларда адиб иштирокида ранг-баранг учрашувлар бўлиб ўтди. Қуйидаги мақола адибнинг шу учрашувлардаги нутқлари, фикр-мулоҳазалари асосида тайёрланди.***

Ҳар гал ҳаммамиз учун қадрли ва мафтункор бўлган ўзбек диёрига, гўзал Тошкентга ташриф буюрганимда, дўстларим ва қадрдонларим билан бўладиган ҳаяжонли учрашувларимни аввалдан ҳис этиб кўнглим қувончга тўлади. Ёзувчи, ижодкор учун бундай мулоқотларнинг аҳамияти катта. Турли шароитларда, турли касбларда ишлаётган оддий одамлар билан учрашиб туриш, уларнинг-да ўй-мулоҳазаларини тинглаш ўта муҳим. Сизларга айтишим мумкинки, менинг кўпгина қаҳрамонларим — ҳаётда бор одамлар, уларни шундай мулоқотлар чоғи топганман, фикрларини тинглаганман, ҳаттоки баҳслашганман ҳам.

Бу галги учрашувимиз азалдан тупи ва илдизи бир икки халқ зиёлиларининг ўзаро мулоқотларидан бошланмоқда. Мен сизлар билан бўлган аввалги учрашувларимда ҳам, таниқли қозоқ адиби Мухтор Шохонов билан биргаликда ёзган китобимизнинг Тошкентдаги тақдимномасида ҳам бу тўғрида кўп айтганман — дунё бугун шундай бир паллада турибдики, биз — туркий қавмлар учун ўзаро яқинлашишдан, бир-биримизга суянишдан, муштарак мақсадлар йўлида кенгашиб-ақллашиб ҳаракат қилишдан ўзга йўл йўқ. Қаранглар-да, бугун дунёнинг жуда катта нигоҳи биз томонга — Марказий Осиёга, бизнинг қадим ва бой тарихимизга, маданий ва маънавий меросимизга қаратилган. Марказий Осиё ўзининг катта маданий, илмий, иқтисодий салоҳияти билан дунёни яна қайтадан ўзига қаратиб турибди. Бизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнимиз, нуфузимиз кун сайин ошиб бормоқда. Буни биргина Ўзбекистон мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Демакки, халқларимиз, маданиятларимиз олдида турган йирик муаммоларни ҳал этишда, муҳтарам Ислом ака Каримов айтганларидек, биздан озод ва обод Ватан қолишига эришишимизда энг аввало якдиллик, ҳамжиҳатлик керак бўлади. Аввал ҳам айтганман, бугунги куннинг реал бир ҳақиқати шундаки, инсоният тараққиётига, маънавиятига, ер юзида тирикликнинг тақдирига таааллуқли масалаларни фақатгина бирлашиб, кенгашиб ҳал этиш мумкин. Бу нарса ҳаммадан бурун бизга — Марказий Осиё халқларига бевосита таааллуқли. Чунки, ота-боболаримиз азал-азалдан худди шундай йўл тутиб келишган, айирмачилик йўлидан эмас, бирлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик йўлидан боришган.

Ҳаётда ўзим кузатган баъзи мисолларни келтириб ўтай. Тошкентдаги дўстларим орасида, мана бугун сафимизда оқсоқол бўлиб ўтирган Зиёд Есенбоевни алоҳида ҳурмат қиламан. Зиёд ака Ўзбекистоннинг белгили, маданият, матбуот тараққиётига катта ҳисса қўшган кишиларидан бири. Асли қирғиз Зиёд аканинг оталари бир вақтлар Ўзбекистонга кўчиб келиб, палак ёзган. Ўзим туғилиб ўсган Шакер овулида Зиёд оға билан учрашиб, ота-боболаримизни эслаб кўп суҳбатлар қурганмиз, борди-келдиларимиз ҳозиргача давом этиб келади. Энди бошқа бир мисолни айтай. Мен ҳозир Белгияда, қолаверса НАТОда элчилик, вакиллик лавозимларида ишлайман. Шу ерда менга ёрдамчилик қилаётган ажойиб бир ўзбек йигити бор. Исми Искандар Йўлдошев. Бу йигитнинг отаси бир вақтлар, аниқроғи Октябр тўнтаришидан кейин мамлакатда гражданлар уруши бошланиб, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб турган бир пайтда ота-онасидан ажраб болалар уйига тушиб қолади. Қанча сарсону саргардонликлардан кейин ҳозирги Бишкекдаги етимхоналардан бирида қўним топади. Шу отанинг ўғли Искандар қирғизлар диёрида туғилиб, вояга етади. Француз тилида сайраб гапиради. Элчихонамизнинг биринчи котиби сифатида топшириқларни қойилмақом қилиб бажаради.

Белгияда яна бир ўзбек биродарим бор. Бу — Ўзбекистоннинг бу мамлакатдаги элчиси Алишер Файзуллаев. Ўта билимдон, тадбиркор йигит. НАТОдаги йиғилишларда ёнма-ён ўтирамиз, мураккаб масалалар юзасидан ҳамиша фикрлашиб турамиз. Алишер билан жуда яқин қадрдон бўлиб кетганмиз. Яқинда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Белгияга ташрифи муносабати билан Ўзбекистон элчихонаси катта бир қабул маросими ўтказди ва биринчилар қатори мени оқсоқол билиб шу маросимга таклиф этди. Демоқчиманки, биз эгаллаб турган лавозимларимиз тақозосидан келиб чиқиб, Ватандан анча олисда бўлсак ҳам ҳамиша бир-биримизни ҳурматлаб, бир-биримизга суяниб, маслаҳатлашиб турамиз.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришим мумкин. Тақдирлари тақдирларига туташиб кетган туркий қавмларнинг вакилларига тегишли мисолларни сизлар ҳам кўплаб биласизлар, ҳаётда учратгансизлар, деб ўйлайман. Ўзбекистонда менинг асарларим жуда кўплаб нашр этилган. Ва, ўқувчиларим билишадики, ана шу китоблардаги кўпгина қаҳрамонларим ҳам ҳаёт синовлари туфайли худди бир ота, бир онанинг фарзандларидай бўлиб кетган қадрдон кишилардир.

Менинг яна бир қувончим — бизнинг юртбошиларимиз, икки мустақил давлат раҳбарлари Ислом Каримов ва Асқар Акаевларнинг дўстлигидир. Бу дўстликка, улар ўртасидаги самимиятга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Шунинг учун ҳам ҳар гал Тошкентга йўлим тушар экан, бу кутлуғ даргоҳга меҳмон сифатида эмас, шу тупроққа даҳлдорлик туйғуси билан ишлагани, меҳнат қилгани ҳам келаман. Ҳар гал, дўстим, оқсоқол устозим Одил оға билан ассамблеямиз ишини янада жонлантириш тўғрисида бош қотирамиз, ўйлашамиз, фикр алмашамиз.

Яна бир гапни айтиб қўяй. Куни кеча мени Тошкент Давлат университетига таклиф этишди. Жуда катта, нуфузи баланд даргоҳ. Сизларга айтсам, бироз ҳаяжонландим. Негаки, бугунги ёшлар жуда бошқача. Ўй-фикрлари, онг-сезимлари бошқача. Дунё мамлакатларининг кўпида мен ўз ўқувчиларим билан тез-тез учрашиб тураман, китобларимдаги масалалар юзасидан баҳслар қиламиз. Аммо кечаги учрашув менда катта таассурот қолдирди. Мен ёшларга алоҳида эътибор бердим. Улар бугун қандай яшамоқдалар, хаёлларида нималар бор, қайси қадриятларни улуғлашмоқда, нималардан воз кечиб, нималарга интилишмоқда — буларни билиш мен учун ғоят муҳим эди. Менга берилган саволларни кўриб, очиғи хурсанд бўлдим. Уларнинг ҳаммасига жавоб қайтаришнинг иложи бўлмади. Аммо, аниқ айта оламанки, талабаларнинг фикр-мулоҳазалари, ўй-кечинмалари — Ўзбекистондаги бугунги ижтимоий-маънавий ҳолатга, яъни тинчлик-тотувликка, тараққиётга, мамлакатнинг дунё сари дадил йўл тутаётганига айни мосдир. Уларнинг мамлакат келажагига ишончи, миллий ифтихори мени ўта қувонтирди.

Мени қувонтирган яна бир ҳолат — бу Ўзбекистонда ижодимга, китобларимга, қаҳрамонларимга бўлган қизиқишнинг кучлилигидир. Бирор бир асар бошқа бир тилга ўгирилар экан, у ўзининг янги бир ҳаётини бошлайди, янги одамлар, янги ҳолатлар билан учрашади. Бунда, демакки, тилнинг ўрни, тараққиёти ғоят катта бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозир, айтиш мумкинки, тил борасида ҳам ўзига хос фаол юксалиш даври бошланмоқда. Бунда миллий тиллар янги ўзаро боғланиш қувватини касб этади, уларнинг шу маънодаги имкониятлари қайта туғилгандек бўлади. Негаки, тил давр ўзгаришлари ва янгиланишларига ўта сезгирлик билан муносабат билдиради. Ана шундай тил вазияти ҳозирги кунда бизнинг Марказий Осиёдаги янги суверен мамлакатларимизга хос ҳодисадир. Бунда ҳозирги замон ўзбек тили ёркин намуна бўла олади. Бу тил, муболағасиз айтиш мумкинки, янги маънавий уйғониш даври тили ҳамдир.

**А. МЕЛИБОЕВ ёзиб олди**

*Шеърий лаҳза*

## ЭЛ БЎЛГИЛКИ...

**Хуш кунларнинг файзи кирди, сен файзиёб бўл,**
**Дил мулкида поклик сари дурру ноёб бўл.**
**Етар энди мутеликнинг хилқат азоби,**
**Ҳурлик деган неъмат ичра нурли офтоб бўл.**
**Эл дегандай эл бўлгилки, ғайратинг тошсин,**
**Ўзбек деган шуурингдан ҳимматинг ошсин.**

**Одамийлик рутбасида не бор мангулик?**
**Ўзлигингдан ор қилардинг, бўлди қайғулик.**
**Боболаринг хислатига жон бахшида эт,**
**Эт намоён юрагингдан борча яхшилик!**
**Эл дегандай эл бўлгилки, ғайратинг тошсин,**
**Ўзбек деган ғурурингдан қудратинг ошсин.**

**Зафарларга бошловчи йўл бирдамликдадур,**
**Озод юртни яратмоқлик ҳардамликдадур.**
**Ғамхўрликни қонга сингдир, индир кўзга нур,**
**Илоҳий руҳ тобламоқлик кўркамликдадур.**
**Эл дегандай эл бўлгилки, ғайратинг тошсин,**
**Ўзбек деган қалб нуридан ҳайратинг ошсин.**

**Жаннат надир Ўзбекистон очса гар чирой?**
**Фараҳбахшли нурлар сочса кўкда тўлин ой.**
**Бу қадимий замин узра не матлаб бўлгай,**
**Вожиб эрса бир бандага ҳувайдолиғ жой.**
**Эл дегандай эл бўлгилки, ғайратинг тошсин,**
**Ўзбек деган сурурингдан шуҳратинг ошсин.**

**Муродуллоҳ ҒАФУР**

*Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига*

## ФАРҒОНА АЛЛОМА ТЎЙИГА ТАРАДДУД КЎРМОҚДА

**Нўъмонжон МЎМИНОВ,**
**вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати**

Тарих умрбоқий ишларни тан олади ва авлодларга етказади. Шу жиҳатдан биз ота-боболаримиз ақл заковати билан яратилган, ҳали-ҳануз дунё илм-фанини ҳайратга солиб келаётган оламшумул кашфиётлар билан фахрланишга ҳақлимиз. Хусусан, бобокалонимиз — жаҳон ва тарих эътироф этган аллома Абул Аббос ибн Муҳаммад Каср ал-Фарғонийнинг мўътабар номи буюк олим сифатида эъзозланмоқда, унинг улуғ кашфиётлари дунё илм-фани тараққиётига ҳамон хизмат қилмоқда.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига у туғилиб ўсган юрт — Фарғонада катта тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Фарғона ўз тарихида бундай оламшумул юбилей тантаналарига ҳали гувоҳ бўлмаган, десак янглишмаймиз. Зеро, ҳамюртимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг ўн икки асрлик юбилейининг дунё миқёсида нишонланиши, тўйнинг асосий қисми вилоятимизда бўлиб ўтиши — бу Фарғона аҳли учун катта шараф, айни пайтда жиддий масъулият ҳамдир.

Аввало, бундай шарафга ҳам, масъулиятга ҳам муборак истиқлол туфайли эришганимизга минг бора шукрона айтишимиз керак. Мустақиллик бизга ўзлигимизни англатди. Президентимиз таъкидлаганидек, тарихини унутган халқнинг келажаги бўлмайди. Бу гап нақадар ибратлидир. Қалбимизда миллатимизнинг улуғ фарзандлари яратиб кетган маданий-маънавий меросдан фахрланиш туйғуси кучайди. Назаримда, ватанпарварлик, миллий ғурур ва тафаккур мана шундан бошланади. Биз эртанги кунимизни дунёни лол қолдирган бой қадриятларимизга таянган ҳолда яратаяпмиз.

Президентимизнинг Фармони билан шу йилнинг кузида Аҳмад ал-Фарғоний юбилейининг ўтказилиши, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳам бу қутлуғ санани жаҳон миқёсида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилганлиги оламшумул воқеадир. Президентимиз ибораси билан айтганда, халқимизнинг ўнлаб ва юзлаб буюк фарзандлари меросининг, абадиятининг халққа қайтарилиши мустақил Ўзбекистоннинг энг ёркин ютуқлари қаторидан жой олади.

Олим туғилиб ўсган юрт — нафақат Ўзбекистоннинг, бутун Марказий Осиёнинг гавҳари бўлмиш Фарғона ўз фарзанди юбилейига қизғин тараддуд кўрмоқда. Кузда Фарғона катта тўйнинг бош тантаналари ўтказиладиган масканга айланади. Бугун шаҳарнинг марказий қисми улкан қурилиш майдонини эслатади.

Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталувчи улкан меъморий мажмуа бунёд этиш ишлари жадал олиб борияпти. Бошқача айтганда, Фарғона тарихида мутлақо янги, келажак авлодларимизнинг миннатдорлик туйғуси билан эътироф этишларига арзигулик яна бир ёркин саҳифа очилмоқда.

Юбилейгача қилиниши лозим бўлган ишларимиз жуда салмоқли. Бунинг уддасидан чиқиш учун қўли гул, бағрикенг меҳнаткаш ва лафзи ҳалол Фарғона халқининг мададига, куч-қудратига таянамиз.

**Давоми иккинчи бетда**



## ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР

Таниқли ўзбек режиссёри Шуҳрат Аббосов ёзувчи Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асари асосида янги филмни суратга олмоқда.

— Филмимизда халқимизнинг юз йиллик тарихи, унинг бошига тушган оғир синовлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз, — дейди Ш. Аббосов бу киноасар ҳақида. — Ўзбек халқи қаддини ростлаб, ўзлигини англаган бир пайтда биз ўтмишимизни, тарихимизнинг номаълум саҳифаларини очишимиз керак. Халқимиз тақдири учун жонини фидо қилган қаҳрамон ўғлонларимизни кўрсатишимиз лозим. Токи юртдошларимиз ўз қаҳрамонларини танисин, билсин, улар билан фахрлансин.

«Отамдан қолган далалар» филмида деҳқонлар авлодининг бир нечта вакили ҳаёти ёритилади. Маҳмуд Тўйчиев ҳамда Шуҳрат Аббосов қаламига мансуб сценарий асосида суратга олинаётган бу филмга катта ижодий гуруҳ жалб этилган.

— Ижодий гуруҳимиз ниҳоятда илҳомланиб, берилиб ишлаяпти, — дейди Шуҳрат ака. — Драматургия ҳаётий бўлгани учун образлар устида ишлаш қизиқарли кечмоқда. Бизда истеъдодли актёрлар шунчалик кўплигини кўриб жуда қувондим. Мақсадимиз янги-янги актёрларни, умидли истеъдодларни кашф қилиш, уларнинг тўлақонли ва самимий ижроси орқали тарихимиз саҳифаларини ёритишдир.



«Отамдан қолган далалар» филмида юзга яқин персонаж иштирок этмоқда. Асосий ролларни актёрлар Аъзам Шокиржонов, Машраб Кимсанов, Ҳошим Арслонов, Улуғбек Муҳаммадкаримов, Тўти Юсупова, Эркин Комилов, Санъат Девонов, Саида Раметова, Ражаб Адашев, Моҳира Нурматова ва бошқалар ижро этишмоқда. Айни кунларда суратга олиш ишлари сўнгги босқичга ўтиб қолди.

**Феруза НОДИРОВА**

**Суратда: шу асардан лавҳалар**

*Кино*

## ДАСТЛАБКИ ТАНИШУВ

Хориж кино ижодкорлари билан ўзбек кино намояндалари ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда республика Киночилар уйида мамлакатимизда ишланган кино-видео филмлар фестивали ўтказилиши ҳам шундан далолат беради. Фестивал ташаббускорлари — Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Олмониядан Фридрих Эберт жамғармасининг мувофиқлаштирувчи вакиллари мазкур кўрикдан қониқиш ҳосил қилдилар. Танлов бўлгач, албатта, ғолиб аниқланади. 15дан зиёд ҳужжатли филмлар, улар турли кино ижодий уюшмаларга тегишли бўлиб, бир-биридан фарқланувчи мавзуларни ёритишга бағишланган. Танлов ҳайъати ғоят синчковлик билан иш олиб борди. Ва ниҳоят «Гиёҳвандлик» филми ғолиб деб топилди. Мазкур ҳужжатли филм сценарийси таниқли ёзувчи Тоҳир Малик қаламига мансуб, режиссёр истеъдодли киноижодкор Жасур Исҳоқов. Мавзусининг ноёблиги, мазмунан теранлиги, инсоннинг тўлақонли ҳаётга интилиши ифодаси сифатида эътироф этилган «Хор» филми танловда иккинчи ўринни эгаллади. Мазкур филм ижодкори Даврон Салимов.

Хўш, бу икки филм қаерда, қачон намойиш этилади? Халқаро Кино бозорда ҳам муваффақият қозонадими? Буни аниқлашга фурсат етарли. Энди шу икки филм Олмон тилига ўгирилади. Халқаро кино ярмарка кўлами хусусида жамғарма вакили Дибалд Алфред шундай деди:

— Элликта кино залда ғолиб филмлар намойиш этилади. Ўзбек дўстларимизнинг филмлари ҳам сотувга қўйилади.

Фестивал ниҳоясида Олмон киноижодкорлари эсдалик совғалари топширдилар. Тантанада Олмониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари қатнашдилар.

**Насиба ОЧИЛОВА**

## «ЮЛДУЗ»ЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Яқинда «Тасвир» газетасининг бир сонини кўздан кечира туриб, сурат остига ёзилган тагсўз диққатимни тортди. Андижонда фаолият кўрсатаётган «Мафтун» гуруҳи суратига берилган бу тагсўзда хонандаларга нисбатан «суперюлдуз» ибораси ишлатилгани мени таажжублантирди.

Тўғри, шундай гуруҳ борлиги, ёшлар ўртасида уларнинг мухлислари ҳам етарли эканидан хабарим бор. Ҳатто бу гуруҳ билан суҳбатда бўлиб, кичик бир нарса ҳам тайёрлагандим. Эндигина санъат бўстонига қадам қўйган бу ансамбл ҳали шаклланиш жараёнида.

«Мафтун» бир туман, боринги, бир вилоят доирасида ўзига яраша обрў-эътибор қозониб, мухлислар олқишига сазовор бўлаётган бўлиши мумкин. 5-10 йиллардан кейин бу ансамбл шуҳрати республикамиз ва ундан ташқарига ҳам ёйилар. Ёки аксинча, фурсат ўтиб тарқаб кетиши ҳам ҳеч гапмас. Ҳар ҳолда бу келажакнинг иши. Нима бўлганда ҳам гуруҳнинг ижодий ишлари тўғри ўзанга тушиб, омад ёр бўлишига тилакдошман.

Лекин мени ўйлантирган нарса, оммавий ахборот воситалари ва матбуотда ўйлабнетиб ўтирмай, кўпгина бошловчи ансамбллар, ёш хонанда-созандаларга керагидан ортиқча баҳо бериб юборилаётганидир. Ахир, бу билан, биринчидан, ўша гуруҳ ёки ижодкорларни талтайтириб қўйишимиз, уларнинг ижодий изланишларига халал беришимиз мумкин.

Қолаверса, ҳақиқий юлдузлар ва юлдузликка даъвогарларни нима деб атаймиз? Бу каби муносабат билан машҳур санъаткорларимиз мавқеига соя ташлаб қўймаймизми?

Оқ нарсани «қора» деганимиз билан шундай тусга кириб қолмаганидек, ҳар қанча юксак сифатлар, таърифларни тиркаб, сохта юлдузларни кўпайтирганимиз билан миллий санъатимиз ютмайди. Шунинг учун ҳамма нарсани ўз номи билан аташга ўрганайлик.

Бу мулоҳаза фақат «Тасвир»гагина эмас, айни пайтда бошқа кўплаб нашрларга ҳам тегишли.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

### БИЛДИРИШЛАР

Шу йилнинг 28 апрел — сешанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ҳозирги ўзбек насри муаммоларига бағишланган давра суҳбати бўлади. Давра суҳбатини Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари номзоди Муҳаммад Али ҳозирги ўзбек романчилиги, филология фанлари номзоди Абдулла Улуғов ҳозирги ўзбек ҳикоячилиги ва қиссачилиги хусусидаги маърузалари билан бошлаб берадилар.

Давра суҳбатига носирлар, публицистлар, ноширлар, олимлар ва барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.

**МАНЗИЛИМИЗ: Мустақиллик майдони, Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг йиғилишлар хонаси.**

**БАДИИЙ НАСР КЕНГАШИ**

---

1998 йил 28 апрел — сешанба куни соат 11.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида (Ж. Неру, 1-уй) «Қўшиқ — миллат қалби» мавзуида давра суҳбати ўтказилади. Унга шоирлар, қўшиқ ихлосмандлари таклиф этиладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

## ВАТАН АБАДИЙДИР

*Дил изҳори*

**Жаридадан ўрганганман,**
**Момоларнинг юзидаги**
**Харитадан ўрганганман.**

Шунда мен энг паст баҳони олдим. Нима қилай? Менинг кўнглимга муҳаббат кирди. Муҳаббатки шеър шаклида, Ватан тимсолида эди:

**Юртим менга зар керакмас**
**зарларингдан,**
**Киприкларим ўпсалар бас**
**гардларингдан,**
**Мен бир насим бўлиб келдим,**
**мен бир насим,**
**Айтиб ўтсам деймаn**
**кўҳна дардларингдан.**

Мен бешикни севишни, ватанни ўрганганимдан сўнг ўргандим. Менинг ўзбек болаларимнинг ҳаммасини митти ватани — ватан ичидаги ватани бешик эмасми? Юртим, «ҳар қаричи, ҳар бир жойи тилло юртим», сендан айланай!

Дунёда инсон ўтгувчи, ғам-алам, қувонч ўткинчи. Фақат бир нарса — ВАТАН абадий.

**Ким ахир бу даҳру дундан ўтмагай,**
**Ким ахир бир куни асо тутмагай?**
**Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

Ватанни кимдир сўз, кимдир мўйқалам, яна кимдир соз орқали тараннум этади. Назаримда, Ватанни ўрганиш киши ҳаётининг ниҳоясигача давом этади. Зотан, инсон Ватанда туғилиб, Ватанда ўлгай...

**Шарифахон МУРОДЖОН қизи**

Ватан нима?

Ҳар ким бу саволга: «Мен туғилиб ўсган ер, киндик қоним тўкилган замин», деб жавоб беради. Тўғрисиям шу-да. Лекин Ватаннинг оддий тупроқдан фарқи, унинг Ватан эканлигини англагандан сўнг билинади. Ватаннинг қадри ўтганда сезилади. Ана шунда Шавкат Раҳмон шеърларидаги туйғу юракни оғритади:

**Мен ором борлигин унутиб куйдим,**
**Бағримга чақинлар тегди дафъатан,**
**Сендан-да улуғроқ нарса йўқлигин,**
**Сочим оқарганда англадим, Ватан!**

Шавкат аканинг ушбу шеъри мустабид тузум замонида битилган ва Ватан истиқлоли орзусини намоён этганлиги учун ватандошларимиз орасида машҳур бўлган эди.

**Нақадар кечикиб англадим сени,**
**Юлдузлар жаранглаб синса дафъатан,**
**Мен қандоқ чидайман бундай хўрликка,**
**Мен қандоқ ётаман қаърингда, Ватан!**

Шукурки, Ватанимиз мустақил бўлди. Бугун мен обод ва озод Ватан фарзандиман. Ватанни чин дилдан севгувчи, унинг ҳар бир қаричини муқаддас билгувчи одам, албатта бугунги кунда юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришларга бефарқ қаролмайди. Бу Ватан дунёга Амир Темур каби ўғлонлар, Тўмарис каби ботир қизлар берган. Шу тупроқни севмай бўладими? Бу тупроқ деб кўз ёш тўкканлар озми? Ватандан айро яшаб, Ватан соғинчи билан кўз юмганлар-чи? Шоир Сирожиддин Саййиднинг «Ватан абадий» шеърида ифодаланган фикрлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, назаримда:

**Не зотлар ўтдилар ватандан айро**
**Севинчи савдою соғинчи — саҳро,**
**Кўксимни тўлдириб келди бир дарё**
**Ватан қолар экан, ватан абадий.**

Ҳа, ҳар бир юртда ҳар кимнинг соғинчи бор. Шу лаҳзаларда она қишлоғим ва у ердаги дарахтларга осилиб йиғлаётган соғинч гавдаланди.

Ватан соғинчи — энг буюк соғинч. Шоир Равшан Файз бу соғинчни шундай изҳор этган эди:

**Эй, ота юрт, эй туғишган эл,**
**Мен бир ўсмир, мен битта гулни**
**Орзу ҳавас деган танти ел**
**Қай бир баҳор бағрингдан юлди.**

**Туриб-туриб келади кўргим,**
**Сен-чи, сен ҳам садо бергин ҳой,**
**Билинарми ҳали ҳам ўрним,**
**Оғрийдими мен юлинган жой?!**

Тарих дарсида, тарих китобларини эмас, юрт тилга олинган, Ватан куйланган китобларни ўқиб ўтирардим. Бир куни Ватан ҳақидаги энг чиройли шеърни домлага ўқиб бердим.

**Мен Ватанни на китоб, на**

